

Нефт маҳсулотларини етказиб бериш ҳақидаги ШАРТНОМА № 2.

05.01 2022 й.

Андижон шаҳри

Андижон вилоят Соғлиқни сақлаш бошқармаси нини куйида "Истеъмолчи" деб номланувчи жамият номидан Низом асосида фаолият юритувчи раҳбари Ғ.Ибраҳимов шахслигида бир томондан, иккинчи томондан "Андижон нефт базаси" масъулияти чекланган жамиятининг куйида "Етказиб берувчи" деб номланувчи жамият номидан Низом асосида фаолият юритувчи директор в.в.б Қ.Юсупов шахслигида, ушбу шартномани куйидагилар ҳақида туздилар.

1. ШАРТНОМА МАЗМУНИ

1.1. "Етказиб берувчи", "Истеъмолчи"га нефт маҳсулотларини "Истеъмолчи"нинг талабномада кўрсатилган эҳтиёжларига асосан тузилган ва куйида келтирилган жадвалга биноан етказиб беришни ўз зиммасига олади.

Нефт маҳсулотларининг тури	Йиллик миқдор (тонна)	I тонна нархи (сўмда) Биржа савдоларида аёвланган урилча нархи	Тахминий умумий суммаси	Шу жумладан чораклар бўйича									
				I-чорак		II-чорак		III-чорак		IV-чорак			
				тн	Тахминий сумма	тн	Тахминий сумма	тн	Тахминий сумма	тн	Тахминий сумма		
Автобензин АИ-80	64	11433254	731728256	64	731728256								
Автобензин АИ-91													
Автобензин АИ-95													
Дизель ёнилғиси													
Дизель ёнилғиси (ЭКО)													
Ўчоқ ёқилғиси													
ЖАМИ:	64	*	731728256	64	731728256								

1.2. "Истеъмолчи" маҳсулот учун тўловни ва маҳсулотни қабул қилиб олишни томонларнинг ўзаро келишувига асосан белгиланган муддатда ва ҳажмда амалга оширишни ўз зиммаларига олади.

Шартноманинг тахминий умумий суммаси ҚҚС билан 731728256 сўмини ташкил қилади.

2. МАҲСУЛОТ ЕТКАЗИБ БЕРИШ ТАРТИБИ ВА МУДДАТЛАРИ.

2.1. Нефт маҳсулотлари «Истеъмолчи»га ўз автотранспортини (транзит билан), белгиланган тартибда етказиб берилади. «Истеъмолчи» нефть маҳсулотларини ўз тасарруфидаги транспорт воситаси билан олиб кетишда, нефть маҳсулотларини ташишда куйидагилар барча ёнги ва техника хавфсизлик талабларига риоя қилишни ҳамда «Етказиб берувчи» га нефть маҳсулотларини ташиш бўйича молиявий эътирозни йўқлигини ўз зиммасига олади. Ушбу талаблар бажарилмаган ҳолатда автоцистерналарга маҳсулот куйишга руҳсат берилмайди.

2.2. «Истеъмолчи»да нефть маҳсулотларини сақлаш учун идоровий нефть омбори ҳамда нефть маҳсулотларини ташиш учун маҳсул автотранспорт воситаси мавжуд бўлса, бундай истеъмолчиларга нефть маҳсулотлари уларнинг автотранспортига юклаб юбориш орқали етказиб берилиши мумкин. Бундай ҳолларда маҳсулотни топшириш ва қабул қилиш «Маҳсулот етказиб берувчи»нинг нефть омборида амалга оширилади. Маҳсулот «Етказиб берувчи»нинг омборидан «Истеъмолчи»нинг вакили томонидан транспорт воситасида олиб кетилганда товар-транспорт ҳужжатлари расмийлаштирилган сана «Етказиб берувчи» томонидан шартнома бўйича мажбуриятлар бажарилган сана ҳисобланади. «Истеъмолчи»нинг маҳсул автотранспорт воситасида нефть маҳсулотларини ташиш «Хавфли юкларни ташиш қоидалари»га мувофиқ амалга оширилиши шарт. Ақс ҳолда транспорт воситаси «Етказиб берувчи» нефть омборига киритилмайди.

2.3. Нефт маҳсулотлари «Истеъмолчи»га «Етказиб берувчи»нинг маҳсул транспорт воситасида етказиб берилса, маҳсулотни топшириш ва қабул қилиш «Истеъмолчи»нинг нефть омборида амалга оширилади. Маҳсулот «Истеъмолчи»нинг омборида «Истеъмолчи»нинг вакили томонидан маҳсулотни қабул қилинганлиги тўғрисида товар-транспорт нақлиётига имзо қўйилган сана «Етказиб берувчи» томонидан шартнома бўйича мажбуриятлар бажарилган сана ҳисобланади. Маҳсулотни топшириш ва қабул қилиш бевосита «Истеъмолчи» вакилининг хоҳишига кўра «Етказиб берувчи»нинг нефть омборида амалга оширилиши мумкин.

2.4. Нефт маҳсулотлари «Етказиб берувчи»га тегишли бўлган ёнилғи тарқатиш шахобчаси орқали етказиб берилса, бунинг учун «Истеъмолчи»нинг ишчиномасига мувофиқ маҳсулотни ёқилғи тарқатиш шахобчасидан олиш тўғрисида руҳсатнома расмийлаштирилади. Мазкур руҳсатнома «Истеъмолчи»нинг вакили томонидан ёнилғи тарқатиш шахобчасига тақдим қилинади. Шаҳобча оператори ўз навбатида тарқатиш варақаси юртади. «Истеъмолчи» вакилига берилган маҳсулот миқдори тарқатиш варақасига киритиб борилади. Тарқатиш варақасида «Истеъмолчи»нинг вакилининг маҳсулотни миқдоран тўлиқ олганлиги тўғрисида имзо қўйилган сана, «Етказиб берувчи» томонидан шартнома бўйича мажбуриятлар бажарилган сана ҳисобланади.

2.5. Маҳсулот «Истеъмолчи»нинг манзилига транзит тартибда темир йўл транспортини етказиб берилганда, темир йўл нақладойига юкни ташишга қабул қилинганлиги тўғрисида қўйилган белгидаги сана «Етказиб берувчи» томонидан шартнома бўйича мажбуриятлар бажарилган сана ҳисобланади. Бундай ҳолатларда маҳсулотни қабул қилиш амалдаги «Нефть, газ конденсати ва нефть маҳсулотларини қабул қилиш, сақлаш, ташиш ва ҳисобини юритиш бўйича қўлланма»га мувофиқ амалга оширилади.

2.6. Маҳсулотга эгалик ҳуқуқи, тасодифий нобуд бўлиши, маҳсулотга зиён етиш хавфи «Етказиб берувчи» шартнома мажбуриятини бажарган санадан эътиборан «Истеъмолчи»га ўтади.

2.7. Нефт база омборига маҳсулот куйиш учун олиб келинган автомобил цистерналари 1510-84 Давлат стандарти талабига жавоб бермаган тақдирда автоцистерналар маҳсулот куйишга киритилмайди. Мазкур транспорт воситаларининг бўш кетиши учун жавобгарлик «Истеъмолчи» зиммасига, маҳсулот маҳсул автотранспортини ташишдаги ташиладиган бўлса, транспорт ташкилоти зиммасига тушади.

2.8. Нефт маҳсулотлари қўйилган автоцистерналар (Истеъмолчи)нинг автотранспортини олиб кетиш ҳолатлари бундан мустасно) нефть база ёки унинг бўлинмалари томонидан амалдаги меъёрий техник ҳужжатларга (2417-85 давлат стандартига) мос тарзда тамғаланади. Тамғалаш «Истеъмолчи»нинг талабига биноан амалга оширилади.

2.9. «Етказиб берувчи» нефть маҳсулотлари таъминотининг узилишлари нефтьни қайта ишлаш заводларидан етказиб берилмаслиги ёки темир йўл айби билан ўз вақтида етказиб берилмаганлиги учун жавобгарликни ўз зиммасига олмайди.

3. ҲИСОБ – КИТОБ ТАРТИБИ ВА НАРХЛАРИ

3.1. Ушбу шартнома ўзаро ҳисоб-китоблар учун асос ҳисобланади. Ҳисоб-китоблар тўлов топшириқнома асосида амалга оширилади.

3.2. «Истеъмолчи» олаётган нефт маҳсулотлари партияси учун ҳақини олдиндан камида 5 кун олдин 100% миқдорда «Етказиб берувчи»нинг ҳисоб-рақамига ҳақ тўлайди.

3.3. «Етказиб берувчи» нефт маҳсулотларини «Истеъмолчи»га биржа савдолари натижаларига кўра шаклланган ўртача биржа нархларида келиб чиқиб, «Етказиб берувчи»нинг сотиб олиш ва транспортировка харажатлари ҳамда устамасини қўшиб шаклландиган нархларда сотади.

3.4. Шартнома суммаси нефть маҳсулотларини «Етказиб берувчи» ташмонидан биржа савдолари орқали сотиб олиш нархлари, нефть маҳсулотини ташиш билан боғлиқ темир йул харажатлари Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати ва Молия Вазирлиги қарорларига асосан ўзгартирилганда ёки нефть маҳсулотлари таъминоти корхоналарнинг устама нархлари ўзгарганда, ёхуд нархлар бошқа объектив сабабларга кўра ўзгарганда шартноманинг умумий қиймати ўзгаради ушбу шартнома бўйича етказиб бериладиган нефт маҳсулотларига нисбатан янги нархлар қўлланади ва бу ҳақида шартномага ўзгариш киритиш учун қўшимча келишув битими тузилади.

4. НЕФТЬ МАҲСУЛОТЛАРИНИ ҚАБУЛ ҚИЛИШ ТАРТИБИ.

4.1. Нефть маҳсулотларининг миқдори ва сифати бўйича қабул қилиб олиш куйидагича амалга оширилади:

а) «Етказиб берувчи» нефт базасидан «Истеъмолчи» вакилининг нефть маҳсулотини олиб чиқиши қабул қилиш ҳужжатларини ўрнатилган тартибда расмийлаштириш орқали:

б) «Истеъмолчи» транзит орқали маҳсулотларни қабул қилишда амалдаги миқдор ва сифат йўриқномаларига (П-6, П-7) асосан иш юритади.

4.2. Эгаллик ҳуқуқи, тасодифий нобуд бўлиши, маҳсулотта зиён етиш хавфи «Етказиб берувчи» корхонаси ҳудудидан чиққан вақтдан бошла «Истеъмолчи»га ўтади.

4.3. Нефть маҳсулотларини миқдор ва сифати бўйича «Истеъмолчи», «Ишлаб чиқариш техника ва ҳалқ истеъмоли молларини миқдори ва сифати» жихатдан қабул қилиб олиш тартиби тўғрисидаги йўриқномага ҳамда бошқа меъёрий ҳужжатларга амал қилинади.

5. МАҲСУЛОТ СИФАТИ

5.1. «Истеъмолчи» нефт маҳсулотларини олаётган вақтда жойида маҳсулотнинг сифати ва миқдорини текшириб олади.

5.2. Етказиб бериладиган маҳсулот сифати Давлат стандартлари ва техник шартларга мос бўлиши ҳамда бу маҳсулот ортиш ва қузатувчи ҳужжатларда қайд этилиши лозим.

5.3. Нефть маҳсулотларини олган истеъмолчи уларнинг сифатини шунингдек сифат паспортини талаб қилиш ҳуқуқига эга.

6. ТОМОНЛАРНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ

6.1. Шартноманинг ҳар бир бажарилмаган бандлари учун томонлар моддий жавобгардир.

6.2. «Етказиб берувчи» «Истеъмолчи»га сифати Давлат стандарт ва техник шартларга жавоб берадиган нефть маҳсулотларини етказиб беришни кафолатлайди. Ҳар икки томон нефть маҳсулотларини етказиб бериш ва қабул қилишда амалдаги 1510 ва 2517 Давлат стандарти талаблари асосида иш юритади.

Нефть маҳсулотларини ҳисоб — китоби ва тарқатилиши амалдаги қонун ва меъёрилар асосида амалга оширилади.

6.3. «Истеъмолчи» нефть маҳсулотларини сақлашнинг техникавий шарт-шароитлари ва хавфсизлиги учун амалдаги қонунларда назарда тутилган тартибда жавоб беради.

6.4. «Истеъмолчи» томонидан унинг ҳудудига олиб келинган нефть маҳсулотларининг қабул қилишда амалдаги ёнгин ва техник хавфсизлиги талаб ва меъёрлари тўлиқ амал қилиниши таъминланади.

6.5. «Истеъмолчи» белгиланган муддатда олинмаган ва етказиб берилган нефть маҳсулотларини олишдан сабабсиз бош тортганлиги учун «Етказиб берувчи»га олинмаган маҳсулот умумий қийматининг 5 фоизи миқдорда жарима тўлайди ва Етказиб берувчи олинмаган маҳсулот учун маҳсулотнинг тўлиқ қийматини ундириш ҳуқуқига эга.

6.6. Ушбу шартнома бирон бир шартнинг бажарилмаганлиги учун жавобгарлик белгиланмаган бўлса, у ҳолда мазкур бажарилмаган шартлар учун жавобгарлик Ўзбекистон Республикаси фуқаролик Кодексига ва «Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-ҳуқуқий базаси тўғрисида»ги қонунга биноан қўлланилади.

7. ФОРС-МАЖОР ҲОЛАТЛАР

7.1. Ҳар икки томон ҳам қуйидаги ҳолатларда мажбуриятларни бажарилмаганликда жавобгарликка тортилмайдилар;

- агарда табиий офат, сувтошқини, ёнгин, зилзила ва бошқалар оқибатида юз берса,

- нефтни қайта ишлаш заводлари, «Ўзбекистон темир йуллари» ДАЖК айби билан, шунингдек юқори ташкилотлар томонидан етказиб бериш ҳажми ва муддати ўзгартирилганда, шунингдек АЁҚШлар ва нефть база фаолияти текширувчи органлар томонидан вақтинчалик тўхтатиб қўйилганда Ўзбекистон Республикаси ҳукумати, Вазирлар Маҳкамаси ва бошқа қонуни белгилловчи ташкилотлар қарорига асосан нефть маҳсулотларини етказиб бериш ва таъминлаш механизми ва тартибига ўзгартириш киритилган ҳолларда.

8. ҚЎШИМЧА ШАРТЛАР

8.1.

9. НИЗОЛАРНИ КУРИБ ЧИКИШ ВА ШАРТНОМАНИНГ АМАЛДА БЎЛИШНИ ТЎХТАТИШ ТАРТИБИ

9.1. Мазкур шартнома киритилган ҳар қандай ўзгартириш ва қўшимчалар ёзма равишда бўлиб, ҳар иккала томон имзолагандан кейингина ҳақиқий ҳисобланади.

9.2. Мазкур шартноманинг бажарилишида юзага келадиган ҳар қандай тортишув келишимовчиликлар иккала томоннинг ўзаро музокараси йўли билан ҳал этилади. Иккала томон мустақил ҳал эта олмайдиган масалалар белгиланган тартибда иктисодий судларида ҳал этилади.

9.3. Мазкур шартнома 2 нусхада тузилди ва тенг ҳуқуқий кучга эга.

9.4. Шартнома томонлар ўртасида имзолангандан сўнг ва агар «Истеъмолчи» бюджет ташкилоти бўлса, бунга қўшимча равишда Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг ҳудудий газначилигидан рўйхатдан ўтган кундан кучга киради ва 2022 йилнинг 31 декабргача амал қилади.


10. ТОМОНЛАРНИНГ ЮРИДИК МАНЗИЛЛАРИ ВА БАНК РЕКВИЗИТЛАРИ





«ЕТКАЗИБ БЕРУВЧИ»

Номи: «Андижон нефт базаси» МЧЖ
Манзил: Андижон шаҳри Ахтачи саноат
худуди А.Ашуров кўчаси №10-уй
Ташкилот у-н х/р: 22604000700285788702
АЁҚШлар у-н х/р: 22604000500285788701
ИНН: 200240109, МФО: 00432
Банк: «Ўзсаноатқурилишбанк» АТБ Яшнаобод
фил. Телефон: (74) 291-11-22

Директор в.в.б.  К.Юсупов

«ИСТЕЪМОЛЧИ»

Номи: 
Манзили: Андижон ш. 10 Вайилов - 5

х-р: 
Банк номи: 
МФО: , ИНН: 

Рахбар: 


М. Раққасов

Ҳуқуқий хулоса: Мазкур шартнома шартлари Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексига ва Ўзбекистон Республикаси «Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-ҳуқуқий базаси тўғрисида»ги Қонуни талабларига зид эмас.

Юристкаонсулт:  А.Ақбаров